Биография

Сора Отамирзаева



Сора Отамирзаева 1932 йилда Наманганда туғилди. 1951 йилда Наманган педагогика техникумини имтиёзли диплом билан, 1955 йилда эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтипинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини ҳам имтиёзли диплом билан тугатди; 1957 йилгача шу институтда ўқитувчилик қилди; 1959—63 йилларда Ленинград Тилшунослик институтида проф. А. К. Боровков раҳбарлигида аспирантурада ўқиди; 1963 йилда эксперимент асосида ёзилган «Наманган шевасининг товушлар состави» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини ёқлади.

С. Отамирзаева кўп йиллар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти экспериментал фонетика секторининг мудири бўлган.

С. Отамирзаева ўзбек тилшунослигида эндигина равнақ топаётган соҳа — экспериментал фонетика бўйича ишлаётган олималардандир. Унинг «Наманган шевасининг товушлар состави», «Ўзбек адабий тилида «о» унлиси лабланганми?» номли мақолаларида келтирган хулосалари ана шундай экспериментга асосланган муҳим фикрлардир. Олима шу кунгача 18 босма лист ҳажмида илмий иш (2 та китоб, 18 та мақола) эълон қилган.

Асарлари:

1961

Наманган шевасидаги аспирация ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 4-сон, Тошкент.
Умлаут и кнаклаут наманганского говора узбекского языка. Сб. «Работы и сообщения АН УзССР», кн. 4, Ташкент.

1962

Ўзбек адабий тилида о унлиси лабланганми? «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.
Наманган шевасидаги назализация ҳақида. Юқоридаги журнал, 3- сон.

1964

Значение и задачи экспериментальной фонетики узбекского языка. Сб. «Объединенная научная сессия, посвященная 40-летию Узбекской ССР и Компартии Узбекистана», Ташкент.
Маърифат жарчиси (проф. А. К. Боровковнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида). «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 5-сон, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.